

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ИҚТИСОДИЁТ
ТАРМОҚЛАРИ МАСАЛАСИ

Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich

Фарғона давлат университети, ўқитувчи

razizxon@inbox.ru

Annotatsiya: *Maqolada 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда амалга ошириладиган ишлар таҳлил etilgan. Tarmoq faoliyatini, ro'yxatga olish va qonun hujjatlarida belgilangan normalar haqida so'z boradi. Shuningdek, мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришига йўналтирилган кенг қўламли инвеститсиявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани o'rganiladi.*

Kalit so'zlar: Demokratiya, тараққиёт стратегияси, фуқаролик жамияти, иқтисодиёт тармоқлари, фуқаролар буджети, саноат, модернизация, диверсификатсия, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни.

Давлатчилик ривожи ва унинг тараққиёт мезонлари миллатнинг маънавий даражаси билан белгиланади. Зоро, фақат ўзлигини анлаган, муштарак мақсадларда яқдил, муддаолари уйғун, ор-номуслари устун, ягона маслакдаги маданиятга эга халқларнинг ривожланиш тарихи барқарор ва истиқболли бўлиши кишилик жамияти тажрибаларида ўзининг исботини топган. Бугунги кунда мамлакатнинг стратегик сиёсати миллий давлатчилигимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий меросини янгича тафаккур асосида англаш ва уни бевосита жамият бошқарувига жорий қилиш билан жаҳон ҳамжамияти интеграциясига кириш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Тарихий ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри белгиланган стратегия жамият орзуларини реал ҳаётий натижаларга айлантириши мумкин эканлигини исботлади. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Президент Ш. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланди. Шу маънода, халқлар ва миллий давлатчилик тарихининг мураккаб ўтмиши асосида кечган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий жараёнларини ўрганиш бугунги кун истиқбол мақсадларимизни ойдинлаштириш, асослаш, янги мэрралар ва вазифаларни белгилаш каби имкониятларни яратади.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятига кириб келади. Давлатнинг

стратегик бошқаруви бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, иқтисоди, сиёсий-ижтимоий, демографик, маданий вазиятилари мавжуд. Айнан шу ижтимоий омиллар маълум ижтимоий шароитларни вужудга келтиради. Шунга кўра, давлат стратегиясининг универсал формуласини шакллантирадиган муассасалар мавжуд эмас. Барча давлатлар учун хос бўлган умумий тажрибалар ҳам йўқ. Улар учун маҳсус стратегик комиссиялар, тезкор гуруҳлар тузилади. Стратегия жамият тафаккур маҳсули сифатида очиқ ва оммавий ёки қаттиқ назорат остига олинган тартибларда амалга оширилиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай давлат мазкур вазифаларни ҳал этишнинг структуравий механизмларига муҳтоҷ бўлади. Давлат стратегияси – бу давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурлардан тизимли равишда фойдаланиши демакдир.

Дунёдаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформатсия қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабўл қилиниб, амалиётга жорий қилинди. Жумладан, жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган, еттига устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳам бунинг ёрқин исботидир.

2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030-йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш мақсад қилиб олинган. Бунда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023-йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш белгилаб олинган.

Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023-йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш илгари сурилади.

Давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш масалалари, шунингдек, Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш белгилаб олинди. Жумладан, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш, енергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвеститсияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефт-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар қўпайтириш ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш, шунингдек,

кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиб орқали кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш, автомобил саноатида кооператсияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга қўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш каби устувор мақсадлар кўзда тутилган.

Мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга йўналтирилган кенг қўламли инвеститсиявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани саноат тармоқларининг ривожланиш имконини бермоқда. Тараққиёт стратегиясида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг этакчи тармоқларини модернизатсия ва диверсификатсия қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласига катта эътибор берилди.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан, саноат тармоқлари жадал ривожланишини таъминлаш, бунинг учун замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва менежмент стратегияларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, мамлакатдаги ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу ўринда, саноат тармоқларида саноат маҳсулотларига истеъмол бозори талабини тўла қондириш, шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш каби устувор вазифалар турибди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳанинг техник жиҳати қуролланиш даражасига боғлиқ саналиб, мазкур вазифани ҳал этиш биринчи галда саноат тармоқларини янги технологиялар билан таъминлашни самарали ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу

мақсадда республикамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тайёрланаётган маҳсулотларни жаҳон стандарти талабига интегратсиялашуви ни таъминлаш учун давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмоқда. Иқтисодиётни модернизатсиялаш ва диверсификатсия қилиш шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи обьектларни янги техник ва технологик жиҳозлаш учун молиялаштиради.

Бунинг устига, шу даврда мамлакатимиз ЯИМ умумий ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш суръатлари билан саноат маҳсулотларини реализатсия қилиш ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш суръатлари ўртасида ҳам пропорсионал боғлиқлик мавжуд. Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларнинг барчасида молиявий муносабатлар бир неча замонавий хусусиятларни ўзида мужассам этмоқда. Бундай ҳолат иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ўзини намоён қиляпти. Бу билдирилган фикр, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг иқтисодиётидаги этакчи тармоқлардан бирини ташкил этувчи саноат корхоналарига ҳам тегишлидир. Бундай шароитда уларни аниқлаш ва тегишли муаммоларни ҳал этишда ана шу аниқланган ўзига хос бўлган замонавий хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mukhammadqodirovich, R. A. (2020). The role of mass media in the history of the period of independence. *ACADEMIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 356-359.
2. Расулов, А. М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ. *Scientific progress*, 2(1), 804-809.
3. Расулов, А. М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Scientific progress*, 2(1), 1568-1572.
4. Расулов, А. М. (2020). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1 № 3).
5. Rasulov, A. M. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ. *Scientific progress*, 2(4), 836-838.
6. Rasulov, A. M. (2022). ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИГА ФОЯВИЙ ТАЪСИРИ. *Scientific progress*, 3(4), 871-875.
7. Rasulov, A. M. (2022). МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ РАСМИЙ МАНБАЛАРИ. *Scientific progress*, 3(3), 544-547.
8. Rasulov, A. M. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛ ТАРМОҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. *Scientific progress*, 2(6), 926-930.
9. Rasulov, A. M. (2021). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК. *Scientific progress*, 2(6), 931-936.

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-2, ISSUE-15 (28-February)**

10. Rasulov, A. M. (2022). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ. *Scientific progress*, 3(10), 4-8.
11. Расулов, А. (2022). Истиқлол даври тарихи манбалари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 640-647.
12. Расулов, А. (2022). Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи манбалари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 633-640.
13. Mukhamadqodirovich, R. A. (2023). MASS MEDIA MATERIALS AS A SOURCE ON THE HISTORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 2(14), 605-610.
14. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The Xix Century And The Early Xx Century. *Current Research Journal Of History (2767-472x)*, 2(07), 9-14.
15. Alimova, N. O. (2021). Some Views On The History Of Daily Life Of Women In The Villages Of The Ferghana Valley (1946-1991). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(07), 45-47.
16. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). Reviews On The History Of Light Industrial Enterprises In Uzbekistan. *Gospodarka i Innowacje*, 22, 639-642.